

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:338:652:334.3

САЪДУЛЛАЕВ ҲАМИДУЛЛА ИБОДУЛЛО ЎҒЛИ

ДАВЛАТ КОМПАНИЯЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ
АСОСИДА СОҒЛОМ РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

70310102 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

PhD, доц. Г.Мадрахимова

Тошкент – 2023

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида
дастлабки химоядан ўтган.

44 - сонли баённома « 01 » 05 2023 й.

Илмий раҳбар:

доц. Г.Мадрахимова



ИМЗО

сана

Магистр:

Ҳ.Саъдуллаев



ИМЗО


сана

Диссертация иши Иқтисодиёт факультетида 2023 йил “ 22 ” 05
№ 2/14 раками билан рўйхатга олинган.

“Химояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси

муdiri, доц. И.Хотамов



“ 3 ” май 2023 йил

Химоя 2023 йил “ 26 ” 05 соат 10⁰⁰ да

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади

АННОТАЦИЯ

Ушбу диссертация ишида саноатнинг устувор тармоқларида трансформация жараёнини самарали ташкил этиш бўйича амалий кўникмалар, энергетика, кимё саноати ва унинг истикболдаги ривожланишга боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари, Ўзбекистон Республикасида саноат корхоналарига тегишли бўлган ислохотларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда олиб борилган ислохотларнинг ривожланишга таъсири, корхоналарда трансформация жараёнини самарали, тизимли ташкил этиш бўйича изланишлардан келиб чиқиб баён этилган хулосалар ёритилган.

Ўзбекистон Республикасида саноат корхоналарини трансформация жараёнини самарали ташкил этиш бу мавжуд саноат корхоналарининг ишлаш услубларига бир қанча янгиликлар, ўзгаришлар ва инновацион технологиялар олиб кириб самарасиз ишлаб келаётган техника ускуналарини модернизация қилиш ҳамда ортикча қилинаётган харажатларни ва натижадорлиги паст бўлган маҳсулот нархига таъсир қилувчи муаммоли нукталарни аниқлаб зарурий чоралар кўришни назарда тутди.

Диссертация ишида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шаклларини меҳнат жамоасининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вақтида мулкни пулли ва пулсиз топширишни кўшиб олиб бориш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида барча фуқаролар ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш, ошкоралик давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш устидан давлат ва жамоат назоратини йўлга қўйиш, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: рақамли трансформация, рақамлаштирилган технологиялар, корхона самарадорлиги, саноат, кимё саноати, хусусийлаштириш, трансформация жараёнлари, рақобат муҳити.

ANNOTATION

In this dissertation work, practical skills for effective organization of the transformation process in priority branches of industry, theoretical and practical aspects of issues related to energy, chemical industry and its future development, the legal basis of the reforms related to industrial enterprises in the Republic of Uzbekistan and the impact of the reforms on development, conclusions on effective and systematic organization of the transformation process in enterprises based on research are highlighted.

The effective organization of the transformation process of industrial enterprises in the Republic of Uzbekistan is the modernization of inefficiently working technical equipment by introducing a number of innovations, changes and innovative technologies into the working methods of existing industrial enterprises, as well as the reduction of excessive costs and the price of low-efficiency products means identifying the problem points and taking necessary measures.

In the dissertation determining the forms of expropriation and privatization have been taken into account the interests of the labor community, during state expropriation and privatization including transfer of property for money and without money, ensuring social protection of all citizens in conditions of expropriation and privatization, establishing state and public control over the implementation of transparency, expropriation and privatization measures, the issues of compliance with the requirements of the legislation on competition were analyzed.

Key words: digital transformation, digitized technologies, enterprise efficiency, industry, chemical industry, privatization, transformation processes, competitive environment.

МУНДАРИЖА

Аннотация.....	4
Мундарижа.....	5
Келтирилган жадваллар рўйхати.....	6
Келтирилган расмлар рўйхати.....	7
Келтирилган кискартмалар.....	8
I БОБ. КИРИШ.....	9
1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	9
1.2. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.....	14
1.3. Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	14
1.4. Тадқиқотнинг объекти ва предмети.....	15
1.5. Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	15
II БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	17
2.1. Кириш.....	17
2.2. Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар шарҳи.....	17
2.3. Мавзуга оид маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи.....	21
III БОБ. МЕТОДОЛОГИЯ.....	35
3.1. Тадқиқот дизайни	35
3.2. Маълумотларни тўплаш жараёни.....	35
3.3. Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар.....	36
3.4. Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	37
3.5. Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими.....	37
3.6. Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар.....	38
IV БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.....	39
4.1. Давлат компанияларини трансформация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	39
4.2. Ўзбекистонда саноат корхоналарининг ривожланиш хусусиятлари ва трансформация жараёни.....	51
4.3. Соғлом рақобатни таъминлаш ва монополияни чеклаш – иктисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари сифатида.....	60
4.4. Трансформация жараёнини самарали бошқариш ва хорижий корхоналар тажрибаси.....	72
V БОБ. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	81
5.1. Тадқиқот саволига тегишли натижаларнинг қисқача ифодаси.....	81
5.2. Тадқиқотнинг асосий таклиф ва тавсиялари.....	82
5.3. Тадқиқот чекловлари ва келгуси тадқиқотлар учун таклифлар.....	83
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	85

I БОБ. КИРИШ

1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги

Ўзбекистон Республикасида саноат корхоналарини трансформация жараёнини самарали ташкил этиш бу мавжуд саноат корхоналарининг ишлаш услубларига бир қанча янгиликлар, ўзгаришлар ва инновацион технологиялар олиб кириб самарасиз ишлаб келаётган техника ускуналарни модернизация қилиш ҳамда ортиқча қилинаётган харажатларни ва натижадорлиги паст бўлган маҳсулот нархига таъсир қилувчи муаммоли нуқталарни аниқлаб зарурий чоралар кўришдир.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирда фаолият юритиб келаётган саноат корхоналарининг жуда ҳам кўп қисми бошқарув ва ишлаш услублари жиҳатидан хорижий саноат корхоналарига солиштирилганда орқада эканлиги ва бир қанча эскириб қолган, самарадорлиги паст бўлган корхоналар эканликларини кўришимиз мумкин.

Республика иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак”лиги таъкидланди¹.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодиётимизнинг айрим тармоқ ва соҳаларида давлат иштирокидаги корхоналар сони ва уларнинг ишлаб чиқаришдаги салмоғи йирикликча қолмоқда. Бу эса Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусийлаштиришни кенгайтириш бўйича белгиланган вазифаларни тўлақонли амалга оширишга тўсиқ бўлмоқда.

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/5774> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 20.12.2022 йилдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси.